

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкида

“ 6 ” Октябрь 2023 йилда  
рўйхатга олинган

рўйхатга олиш рақами 90/1



**“APEX BANK”**  
**акциядорлик жамияти**  
**Уставига киритилган ўзгартиришлар**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“APEX BANK” АЖ**

Кузатув кенгашининг

2023 йил 22 сентябрдаги 16 - сонли баённома  
қарори

Кенгаш раиси:

Б.И. Усмонова



**“APEX BANK” АЖ Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни**


1. Банк Уставининг 31-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Янги таҳрир</b>
31. Банкнинг устав капитали 100 000 000 000 (бир юз миллиард) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 100 000 000 (бир юз миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларлардан иборат.	31. Банкнинг устав капитали 250 000 000 000 (икки юз эллик миллиард) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 250 000 000 (икки юз эллик миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларлардан иборат.

2. Банк Уставининг 45-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Янги таҳрир</b>
45. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан қўшимча жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 400 000 000 (тўрт юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил этади.	45. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан қўшимча жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 250 000 000 (икки юз эллик миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил этади.

Бошқарув раиси



Б.Х. Нуъмонов

**“APEX BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**  
**КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ 16-СОҢЛИ БАЁННОМАСИ**

Сана: 2023 йил “22” сентябр  
Вақт: 15:00

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,  
Братислава кўчаси, 2-уй

Иштирок этдилар:  
Кузатов кенгаши  
аъзолари

Б.И.Усманова  
А.С. Хожимуродов  
Н.С.Зайнутдинов  
А.Р.Сабуров  
М.Р.Анваров

Таклиф этилганлар:

Бошқарув раиси  
Б.Х. Нуъмонов

Кворум-100%

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. “APEX BANK” Акциядорлик жамияти Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.**

**1-масала.** Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Кузатов кенгаш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Банк кузатов кенгашининг 2023 йил 15 июнда Банк устав капиталини ошириш мақсадида номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 150 000 000 (бир юз эллик миллион) дона акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганини ва ушбу акциялар чиқарилиши 2023 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Р0971-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганини айтиб ўтди. Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар 2023 йил 24 август ҳолатига Банк акциядорлари ўртасида тўлик жойлаштирилганини ва Банкнинг устав капитали 100 000 000 000 (бир юз миллиард) сўмдан 250 000 000 000 (икки юз эллик миллиард) сўмга кўпайтирилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак. Ушбу Қонуннинг 15-моддасига асосан, Жамиятнинг уставига киритилаётган ўзгартиш ва кўшимчалар, шу жумладан жамиятнинг янги таҳрирдаги устав жамиятни рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири 14-моддасига кўра, Банкнинг устав, унга киритиладиган ўзгартиш ва кўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатдан ўтган “Банк фаолиятига руҳсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 163-моддасига асосан, Банк уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар Марказий банкда рўйхатга олинishi лозим.

“APEX BANK” АЖ Уставига асосан, устав фонддини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фонддини (устав капиталини) кўпайтирилиши билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш Кузатов кенгаши ваколати доирасига киради.

Юкоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги ҳамда Кузатув кенгаши аъзоларидан Банк уставига киритилаётган ўзгартиришлар лойиҳаси билан 1-иловага мувофиқ танишиб чиқиш сўралди.

Кузатув кенгаши аъзолари Банк уставига киритилаётган ўзгартиришлар лойиҳаси билан танишиб чиқгач, Банк уставига киритилаётган ўзгартиришларни 1-иловага мувофиқ тасдиқлаш учун овозга кўйиш таклиф этилди.

Овозга кўйилган масала:

1.1. "APEX BANK" АЖ уставига киритилаётган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

1.2. "APEX BANK" АЖ Банк уставига киритиладиган барча ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этилсин.

Овоз бериш натижалари:

"рози" – 5 та овоз, "норози" – йўқ, "бетараф" – йўқ.

Кун тартибидаги масала бўйича қабул қилинган қарор:

1.1. "APEX BANK" АЖ уставига киритилаётган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

1.2. "APEX BANK" АЖ Банк уставига киритиладиган барча ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этилсин.

Ушбу билан Кенгаши йиғилиши ўз иштини якунилади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Кузатув кенгаши раиси

Б.И. Усманова

Кузатув кенгаши аъзолари

А.С. Хожимуродов

Н.С. Зайнутдинов

А.Р. Сабуров

М.Р. Анваров

*Бошқарув раиси  
Б.У. Нурамонов*

"APEX BANK" AKSIYADORLIK JAMIYATI	
ASLIGA TO'G'RI	
Sana « <i>12</i> » _____ 20__ y.	
Imzo _____	

№ 398-17  
03. 10 2023 yil

Bank kodi: 01196  
SITR: 310329897  
IFUT: 64190

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий Банкига**

“АРЕХBANK” акциядорлик жамияти Сизга, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, амалдаги қонунчилик асосида, Банкнинг Уставига ўзгартиришлар киритилган ҳамда Банк кузатув кенгашининг 2023 йил 22 сентябрдаги 16-сонли баённомаси қарорига асосан тасдиқланганлигини маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунинг янги таҳрирининг 14-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатдан ўтган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 163-моддасига асосан, Банкнинг Устави, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим.


Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, Банк Бошқаруви Сиздан Банк Уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишингизни сўрайди.

*Иловада:*

- 1. Банк кузатув кенгашининг 22.09.2023 йилдаги 16-сонли баённомаси – 3 нусхада;*
- 2. Банк Уставига киритилган ўзгартиришлар – 3 нусхада.*


Ҳурмат билан,

**Бошқарув раиси**



**Б.Х. Нуъмонов**

Ижрочи: Ш. Мухаммедов  
Тел. +99 893 399-12-11



04 OCT 2023

Тикилган ва рақамланган

5 ( Беш )

варақдан иборат

6 октябрь

Имзо



Devonxon  
Chancellery